



СОВЕТ УЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 88 (19.759).

• 1987 йил 17 апрель, жума •

Баҳоси 3 тийин.

Ленинча яшайлик, ишлайлик ва таълим олайлик

Совет ёшларининг ВЛКСМ XX съездидаги намоёндалари ўзларини амалий ишларга чоғлаб турганликларини, қайта қуриш, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришда жадаллаштиришда актив иштирок этишга интилаётганликларини яққол намойиш қилмоқдалар. Улар ёшларнинг ҳаётий муаммоларини, ёшларнинг чинакам ва обрўли етакчиси бўлишга даъват этилган комсомол фаолиятини талабчанлик билан танқидий муҳокама қилмоқдалар.

16 апрель куни съезд Москвада ўз ишhini давом эттирди.

Мажлис ахли М. С. Горбачев, Г. А. Алиев, В. И. Воронников, А. А. Громико, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков, М. С. Соломечев, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, В. В. Шербицкий, П. Н. Деми-чев, В. И. Долгих, В. Н. Ельцин, С. Л. Соколов, Ю. Ф. Соловьев, Н. В. Тал-диз, А. Н. Яковлев, А. П. Бирюков, А. Ф. Добринин, А. И. Лукьянов, В. А. Мед-ведев, В. П. Никонов, Г. П. Разумовский, И. В. Капито-нов ўртоқларини қарсақлар билан қутиб олдилар.

ВЛКСМ Марказий Коми-

тети ва ВЛКСМ Марказий Ревизия комиссиясининг ҳисобот докладларини муҳокама қилиш давом эттирилди.

Ю. В. Андропов номли Новоленинск металлургия комбинатининг катта оператори Н. Жигулин ўз нутқини бошланғич комсомол ташкилотларининг қайта қуриш шароитларидаги ролига бағишлади. Ёш металлур-лар, деди у, ишлаб чиқаришда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, кол-лектив социал равиқнинг долзарб масалаларини ҳал этишда жуда ҳам фаол ишти-рок этишга тайёрдирлар. Ишчанлик ҳар бир бошлан-ғич комсомол ташкилотининг иш услуби бўлиб қолиши керак. Аммо бунинг учун кўп гапириб, кам иш қилиш-дек илдиэ отган одатдан воз кечиш зарур.

Бизнинг съездимиз ўтна-зилаётган вақти жиҳатидан-гина эмас, балки ўз қарор-ларининг характери, теран-лиги жиҳатидан ҳам апрель съезди бўлиши керак, деди Украина ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи се-кретари В. Цибук. ВЛКСМ Марказий Комитетининг амалий фаолияти, ҳисобот докладда ифода этилган унинг янгида қаршии ком-сомол Марказий Комитети



КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев нутқ сўзлаётган пайт.

ишини маъқуллаш имконини беради.

Аммо ҳар қалай, қайта қуриш суръатлари ҳали ни-ҳоятда суст бормоқда. Жон-ли иш сари рўй-рост, тубдан бурилиш зарур.

Нигит-қизлар қайта қуриш-

да яна ҳам фаолроқ ишти-рок этишга интилаётганлик-лари, қишлоқ ёшларининг жўн бўлмаган муаммолари ҳақида Вологда область «Майский» совхозини машина-да сут соғиш устаси М. Ас-тафурова гапирди. Ҳар бир сигирдин иилига ўртача 5000

килограммдан сут соғиб олимоқда. Бундан мамнун бўлиш мумкин эди, аммо комсомоллар эришилган ютуқлар билан қаноатланиб қолганини истамадилар. Делегат қишлоқдаги кадр-лар тўғрисида ташвиш ва таҳлика билан гапирди. Чор-

вачиликда, ҳаттоки илгор хўжаликларда ҳам иш ша-роитлари оғир. Бу ўринда Чорвачилин ва озуқа ишлаб чиқариш машинасозлиги ми-нистрлиги мутахассислари-нинг нуқсонлари рўй-рост кўришиб турибди, деди ком-сомол аъзоси.

Делегатнинг фикрича, оммавий ахборот воситала-ри қишлоқ ёшларига кам эътибор бермоқдалар. Эрталабки мажлисда КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

Нутқ эъри эътибор билан тингиланди ва бир неча бор узоқ давом этган қарсақлар билан бўлиниб қарсаклар

ВЛКСМ съезди 17 апрел-да ўз ишhini давом эттира-ди.

(ТАСС).

(ТАСС—ЎзТАГ телефотоси).

Ё Ш Л А Р - Р Е В О Л Ю Ц И О Н Я Н Г И Л А Н И Ш Н И Н Г И Ж О Д К О Р Л И К М. С. Г О Р Б А Ч Е В н и н г В Л К С М XX С Ъ Е З Д И Д А С Ъ З Л А Г А Н Н У Т Қ И

Азиз комсомол ўртоқлар! Деярли ҳар бир совет ки-шисининг жанговар ва меҳ-нат навиқорлиги билан бо-ғлиқ ташкилот, ҳаммаишга янги, социалистик ҳаётта йўллама берган ташкилот — Ленин комсомолнинг XX съезди икки кундан бери иш-ламоқда.

Бутун, ВЛКСМнинг ҳо-зирги съездидаги муноза-рада қатнашиш иштиёқи менда ҳеч қачон бу қадар кучли бўлмаган эди, десам бўлмага бўлмайди. Партия Марказий Комитети ва ҳуку-матдаги ўртоқларимнинг ту-ғуси ҳам мана шундай эни-чини билмаган. Бунинг саба-би равшан, деб ўйлайман. Залда Советлар мамлакатини-нинг бутунги кун ва эр-танни кун намоёндалари хо-зир бўлишган. Бу ерда ай-тилаётган гапларининг ҳам-маси ҳозирги кун учунгина эмас, келажак учун ҳам чу-қур маънога эга. Ҳозир бу ерда баъзога кишилар йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки сизларнинг қайтадан тикланган комсомоллик рай-ратингиз, жанговар руҳин-гиз, ҳозирги ишлар тўғриси-даги омилироқна ғамхўрли-гингиз ва келажакда қўлаб-иш тутишингизни ҳар бир киши ҳис этиб турибди — бунни ҳис этмасдан ҳам бўл-майди. Биз ҳам сизлар бил-лан бирга шундай кайфиятда турибмиз. Биз ҳам шу кун-ларда сизлар билан бирга ёшармиз. (Қарсақлар).

Коммунистик партия, бу-тун жамиятимиз сизларнинг съездингиз чинакама буюк воқеа бўлиб қолишидан ва мамлакат ёшлар қаракатида янги саҳифа очишидан ас-тобдидан манфаатдордирлар. Доклад ҳам, мунозаралар ҳам комсомолнинг мамлакат олдидаги, халқ олдидаги ўз масъулиятини англаётгани-дан, ёшларнинг сиз билан биз яшаб турган жамиятимиз турмушини барча соҳаларини чуқур ўзгартариш, янгилаш жараёнига янада фаол-роқ қўшилишини сиддиқил-дан истаётганликларидан да-лолат бериб турибди. Бу — яхши кайфият, мана шу кайфиятгина ишга ва тур-мушга маъно ҳамда илҳом бахш эта олади. (Қарса-қлар).

Съездингизнинг талабчан муҳити бизни қувонтирай қола олмайдди. Бу муҳит мамлакат тараққиётининг ҳо-зирги босқичига, жамияти-миз бутунги кунда ҳал қила-ётган проблемаларининг ўти-рилги ва салмоқчилигига ҳамоҳангдир. Бу муҳит бар-ча совет ёшларининг мудо-аоларини ифодалаганига аминман. Ёшлар ўзларини мамлакатимизда рўй бера-ётган революцион жараён-ларнинг ажралмас қисми, деб ҳис этиётганликларини бу ерда, съезддаги ҳамма нарсаси кўрсатиб турибди. Бу эса шонли ҳодиса. Гап комсомолнинг позицияси ҳа-қида бораяпти. Виктор Ми-роненонинг комсомол қайта қурилишини астойдил тараф-дор эканлиги тўғрисидаги гаплари КПСС Марказий Ко-митети номидан табриқлай-ман. (Қарсақлар). Ўртоқлар, бу гапни биз мамлакат бар-ча ёшларининг позицияси, деб биламиз, чунки сизлар шу ёшларнинг вакиллари-сиз. (Қарсақлар).

Бутуна эмас: сизларнинг позицияси партия, учун жуда катта сиёсий аҳамият-га эгадир. Комсомолнинг съезди бениҳоя муҳим пайт-да — даражаси таъминла-ди. Биз партиянинг ўзгариш-ларининг миқёси жиҳатидан оддий ҳаёт оқими доираси билангина чекланмаслиги шубҳасиз. Бинобарин, ёзиз дўстлар, сизлар социалистик жамиятнинг революцион янги-лашда қатнашингиз лоз-им. (Қарсақлар).

Буюк давлатнинг улдувор иқтисодий қудрати, жонанж еримизнинг ноёб бойликлари ва гўзаллиги, маданиятимиз ҳамда идеологиямизнинг зўр илмий ютуқлари, инсонпар-варлик қадриятлари ва анъ-аналари сизларнинг қўли-гизда. Октябрь ишhini сиз-лар давом эттиришингиз, Ер юзюда тинчликни эътиёт қи-либ сақлашингиз даркор.

Ёшларнинг зиммасига жуда катта масъулият тушди. Бу — мамлакат учун, соца-лизмнинг тақдир учун, бу-тун инсоният цивилизацияси-нинг тинч келажак учун бўлган масъулиятдир. Зотан бизнинг партиявий ўртоқла-рича тилгаимиз — шу юксак мақсадлар йўлида куч-гай-

ратларини аямангиз. Чунки бу — инсон ҳаётидаги энг муҳим ишлар. (Қарсақлар).

Ҳозирги давр — граждан-лик, сиёсий ва гоивий улга-йишнинг ажойиб мактабидир. Бошланган ўзгаришларнинг моҳиятини чуқурроқ ҳис этиб олишга, уларнинг нова-торлик руҳини идрок этиш-га, бу ўзгаришлар сизлар-нинг авлодингиз учун ва бу-тун жамият учун нималарин билдиришини яхшироқ тушу-риб олишга ҳаракат қилин-гиз. Мана шунини тушуниб олиш — қайта қуриш билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар-нинг теранлиги, кенг миқёси ва янгилигини тушунишга ижодий меҳнатнинг ҳақиқий, жонли омили бўлиб қолади, социалистик давлатимиз та-рихининг энг масъулиятли босқичларидан бирида ўз ўр-нингиз, ўз ролингизни равш-тан тасаввур эта олишингиз-га ердан беради.

Сизлар қайта қуришнинг фаол, онгли қатнашчилари бўлишингизни истаймиз.

(Қарсақлар). Ҳатто мен та-ваккал қилиб шундай демо-чман: ҳамма гапга ишона-верманлар. Ҳамма гапни тушуниб олинлар, мана шу тушуниш асосида ўз ҳаётин-гиз учун, ўз фаолиятингиз учун зарур ҳуқуқлар чи-қариб олингиз. Зеро, қайта қу-риш вазифаларини ҳал этиш учун айни мана шундай аниқ, онгли позиция керак.

Совет кишиларининг ҳар бир авлоди ўз турмушининг бош вазифасини ҳал этиб келди. Сизларнинг зимма-гизга тушадиган вазифа ҳақида гапиршдан аввал Владимир Ильичнинг сўз-ларини эслаб ўтаман, у бундай деган эди: «Ёшлари-мизнинг келажак менни бе-ниҳоя тўлқинлантиради. Ёшлар — революциянинг бир қисмидир». Бу гап Ил-йич айтган пайтда тўғри эди, бу гап ҳозир ҳам жуда муҳим, салмоқли ва тўғридир. Чунки революция давом этмоқда. (Қарсақлар).

Биз тарихимизга талаб-чанлик билан назар ташла-

сам, барча галаба ва ютуқ-лар, хатолар, аламлар ва ҳафсатчиликларни кўра-миз. Мана шундай талаб-чанлик асосида биз ифтихор билан бундай дея оламиз: ёшлар Октябрь йўлига ўтиб, революцион курашчилар-нинг умидларини оқладилар, ўз бурчларини бажардилар. (Қарсақлар).

Бир авлод революцияда, граждан тузумида ва даст-лабки беш йилликларда қат-нашган бўлса, бошқалар Улуғ Ватан урушида ишти-рок этишди, яна бошқалар революцион курашчилар-нинг умидларини оқладилар, ўз бурчларини бажардилар. (Қарсақлар).

Советлар мамлакатининг ёшлари ҳаммаша ўз халқига, ўзини ўстириб тарбиялаган Ватанга муносиб бўлиб кел-ди. Шундай бўлиб келди ва биз, коммунистлар келгуси-да ҳам шундай бўлишга ишона-миз. (Қарсақлар).

Съезд минбаридан туриб партия ва комсомол номидан сизларнинг шонли ўтмиш-дошларингизга — инсоният ҳаётидаги улдувор револю-цияни амалга оширган, со-циализмни қурган ва ҳимоя қилган, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи-нинг қудратини мустаҳкам-лаган кишиларга чуқур ҳур-мат ва сазимий миннатдор-чилик изҳор этишга ижозат бергайсизлар. (Қарсақлар).

Уларнинг ишлари — та-рихнинг бебаҳо бойлигидир. Бу ишлар халқ хотирасида абадий сақланади. Бу — мамлакат буюк тарихи-ми ҳолининг қахрамонона тақ-дирларидир.

Ўртоқлар! Партиянинг ян-гилаш ва қайта қуриш йўли моҳияти: социализм кўпроқ бўлсин, деган қисқача ибора-да ифодаланган. Сиз би-лан биз яшаб турган жамият-нинг ҳаёт қобилияти нима? — деган асосий саволнинг жавоби мана шу иборида акс этган.

Октябрнинг 70 йили со-циалистик тузумнинг қуд-ратли ҳаётий ресурсларини кўрсатди. Социализм эъри социал галабалар қозонди, ҳамма эътироф қилган иқти-содий ва маданий ютуқларга эришди, унинг илҳомбахш тарихий истиқболлари очил-моқда. Биз бу билан ҳақли равишда фахрланамиз, ўзи-миз яшаб турган жамиятнинг буюк қадриятларини ардоқ-лаймиз.

Ҳўш, биз ишларнинг ҳо-зирги аҳолидан қониқ-чимизми? — деган бошча бир савол ҳам бор. Бу саволга биз жуда реалистик тарзда ҳаққўйлик билан йўқ, қониқ-маймиз, деб жавоб бериши-миз лозим. Бизнинг олди-мизда социализмнинг жам-ки афзалликлари ва имко-ниятлари, унинг жуда бой моддий ва маънавий хазина-сини, унинг қудратли рево-люцион ғайрат-шижоатини тула-тўқис намоён этиш ва улардан фойдаланиш вазифа-си турибди.

Биз: социализм кўпроқ бўлсин, — деганимизда, — бизга иқтисодий, маданий ва маънавий жиҳатлардан ин-сон цивилизациясининг ол-динги маррасида борадиган доимо янгилашиб турувчи, ривожланувчи социализм ке-раклигини таъкидлаймиз. (Қарсақлар).

Социализм кўпроқ бўлса — жушқинлик ва ижодкор-лик, ушқончилик ва тартиб, хўжалик юртида илмий-лик ва ташаббускорлик, бош-қаришда самарадорлик кў-проқ бўлади, демакдир.

Социализм кўпроқ бўлса — социал адолат кўпроқ бў-лади, социалистик жамият-нинг энг биринчи қадрияти — меҳнатнинг обрў-эътибо-ри улугланади, демакдир. Социализм кўпроқ бўлса

— жамиятимизда демокра-тизм, ошқоралик, коллектив-чилик кўпроқ бўлади, одам-лар ўртасидаги муносабат-ларда маданият, инсоний-лик кадр-қиммати ва ўз-ўзини ҳурматлаш кўпроқ бўлади, демакдир.

Социализм кўпроқ бўлса — юксак ватанпарварлик мақсадларига эъри интилиш кўпроқ бўлади, мамлакат ишларига граждандарча жо-нуярлик ва тинчлик тўғри-сидаги ғамхўрлик кўпроқ бўлади, демакдир.

Ватанин ХХI асрга қуд-ратли, гуллаб-йиллаган дав-лат тарзида етказиб бориш — ҳаммамизнинг бурчимиз — совет кишилари барча ав-лодларининг бурчидир. (Қар-сақлар).

Ўртоқлар! Жамиятимиз турмушининг ҳамма соҳа-ларини қайта қуришга ки-ришганимизга мана, икки йил бўлди. Табиийки, одам-лар рўй бераётган воқеалар ҳақида фикр юритмоқдалар, бошланган ва келгусида қи-линадиган ўзгаришларини ча-маламоқдалар, ўтмишдаги ишларга таққосламоқдалар, қайта қуришнинг ютуқлари ва муваффақиятсизликларини таъкидламоқдалар. Ҳўш, биз нимага эришдик? Нима-ларга эриша олмадик? — де-ган саволни кўп кишилар ўртага қўймоқдалар. Энг муҳим гапни айтман. Қис-қа муддат ичюда биз, тарих ўлчови билан айтганда, анча-гина йўлни босиб ўтдик. Бу — ҳақиқат йўли, воқеликин таъкидлай қайта идрок этиш йўли, янги ғояларни, ижти-моий янгилашни концепция-сини ишлаб чиқишнинг қи-яни йўли бўлди ва у ўз са-мараларини бермоқда.

Мамлакатдаги ишларнинг аҳоли чуқур таҳлил этил-гандлиги, салбий ҳодисалар ўткир танқид қилингандли-ги, турмуш тобора демократ-лаштирилгандлиги жамия-тини маънавий жиҳатдан поклантиришнинг, одамлар онгини қуфл урдиришнинг, улар социал фаолиятини оши-ришнинг дебочаси бўлди.

Ифодали қилиб айтганда, ҳозир йўлимиз йўлимиз аниқ, тўғри йўналиш ҳам белги-ланган, ўтган икки йил эса бизга таялаб олган йўлимиз — жадаллаштириш ва қайта қуриш йўлимиз тўғрисидаги кўпроқ ишлар бахш этди. Ҳозирги асосий вазифа — олға боришдан, оғирлик марказини қабул этилган қарорларни амалга ошириш соҳасидаги амалий ишларга кўчиришдан иборат. Мен: бас, мунозарани тўхтатайлик, демокчи эмасман. Қайта қу-риш бизнинг олдимизга қўй-ётган, илгари сураётган то-бора янги-янги масалаларни равшанлаштириб олиш учун бизга ҳали кўпгина муноза-ралар керак бўлади. Аммо, шундай бўлса-да, амалий иш — ҳозир ҳал қилувчи ма-саладир.

Ўтмиш сабоқларини эсдан чиқаришга бизнинг ҳақимиз йўқ. Илгари ҳам бу ҳақда гапирган эдик, ҳозир яна бир бор таъкирлайман: мам-лакатимизда илгари ҳам бир талай яхши қарорлар қабул қилинган эди, аммо улар ҳаммаша ҳам жамияти-миз қўлаган жиддий ўзгар-

натижада самарали бўлди. Бу босқичда биз муҳим ютуққа эришдик: янгилашни, революцион ўзгаришлар тоғ-лари миллионларнинг онги-га сингди, халқимизнинг жуда катта қўчилиги бу ғояларни қўлаб-қувватла-ди. Қайта қуриш тарафдор-лари ижтимоий турмушми-нинг руҳини белгилаб тур-ганлигидан ҳамма нарсаси да-лолат бермоқда. Бу жараён, шу тенденция кучайиб бе-равеари, ўзгаравери, деб ўйлаймиз. Энг муҳим ҳам мана шундан иборат, ўртоқ-лар! (Қарсақлар).

Биз партия XXVII съезди ишлаб чиққан қайта қуриш-ни, сиёсий йўлимизни амал-га оширишнинг асосий қў-чалари юзасидан олсини ку-ловчи қарорлар қабул этдик. Бу қарорлар ҳамма соҳалар-ни: экономикани, маданият-ни, социал соҳани, партия ва жамоат ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг турмушини ўз ичига олади.

Ифодали қилиб айтганда, ҳозир йўлимиз йўлимиз аниқ, тўғри йўналиш ҳам белги-ланган, ўтган икки йил эса бизга таялаб олган йўлимиз — жадаллаштириш ва қайта қуриш йўлимиз тўғрисидаги кўпроқ ишлар бахш этди. Ҳозирги асосий вазифа — олға боришдан, оғирлик марказини қабул этилган қарорларни амалга ошириш соҳасидаги амалий ишларга кўчиришдан иборат. Мен: бас, мунозарани тўхтатайлик, демокчи эмасман. Қайта қу-риш бизнинг олдимизга қўй-ётган, илгари сураётган то-бора янги-янги масалаларни равшанлаштириб олиш учун бизга ҳали кўпгина муноза-ралар керак бўлади. Аммо, шундай бўлса-да, амалий иш — ҳозир ҳал қилувчи ма-саладир.

Ифодали қилиб айтганда, ҳозир йўлимиз йўлимиз аниқ, тўғри йўналиш ҳам белги-ланган, ўтган икки йил эса бизга таялаб олган йўлимиз — жадаллаштириш ва қайта қуриш йўлимиз тўғрисидаги кўпроқ ишлар бахш этди. Ҳозирги асосий вазифа — олға боришдан, оғирлик марказини қабул этилган қарорларни амалга ошириш соҳасидаги амалий ишларга кўчиришдан иборат. Мен: бас, мунозарани тўхтатайлик, демокчи эмасман. Қайта қу-риш бизнинг олдимизга қўй-ётган, илгари сураётган то-бора янги-янги масалаларни равшанлаштириб олиш учун бизга ҳали кўпгина муноза-ралар керак бўлади. Аммо, шундай бўлса-да, амалий иш — ҳозир ҳал қилувчи ма-саладир.

Ифодали қилиб айтганда, ҳозир йўлимиз йўлимиз аниқ, тўғри йўналиш ҳам белги-ланган, ўтган икки йил эса бизга таялаб олган йўлимиз — жадаллаштириш ва қайта қуриш йўлимиз тўғрисидаги кўпроқ ишлар бахш этди. Ҳозирги асосий вазифа — олға боришдан, оғирлик марказини қабул этилган қарорларни амалга ошириш соҳасидаги амалий ишларга кўчиришдан иборат. Мен: бас, мунозарани тўхтатайлик, демокчи эмасман. Қайта қу-риш бизнинг олдимизга қўй-ётган, илгари сураётган то-бора янги-янги масалаларни равшанлаштириб олиш учун бизга ҳали кўпгина муноза-ралар керак бўлади. Аммо, шундай бўлса-да, амалий иш — ҳозир ҳал қилувчи ма-саладир.

Докладда ҳам, нутқларда ҳам делегатлар Илчанин шун фикрини неча марта таъ-кирладилар. Биз амалий ишлар пайти келди, деб ай-таётганимизда комсомол ҳамма ерда ўзининг иш жо-йини топишга, қайта қу-ришнинг барча вазифалари-ни ҳал этишда қатнашишга, турғунликка қарши кура-шишга, мамлакат турму-шида яхшилик сари ўзгар-тишлар учун фаол кураш олиб боришга даъват эта-миз. Мен съезд делегата-ларининг, шу жумладан, мана шу минбарда туриб нутқ сў-злаган кишиларнинг актив по-зициясини табриқлайман! (Қарсақлар).

(Давоми иккинчи бетда)

(Боши биринчи бетда).

Комсомол съезди ўз ички ҳаёти масалаларини айна-ана шундай позицияда туриб муҳонама қилаётганлиги бизга ёқди. Қайта қуриш бугун бутун жамиятимизни ҳаракатга келтирди. Ёшлар аллақачон кўннинг кетгандек туюлган нарсалар билан легишони истамаётганлик-лари жуда яхши. Бундай

(Давоми учинчи бетда).



ЮҚОРИ УНУМЛИ ПАХТА ТЕРИШ ТЕХНИКАСИНИ ЯРАТИШ — ШУ КУННИНГ ВАЗИФАСИ

Тошкентда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги кўмаклашувчи республика мажлиси бўлиб, Маълиси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. Б. Усмонов ўнги олиб борди.

Идораларо илмий-координация марказининг янги пахта териш машиналарини яратиш соҳасидаги иш тўғрисида шу марказ раҳбари, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги А. Д. Глушченко доклад қилди. Маълисида қайда этиб ўтилганидек, пахта териш техникасининг истиқболли моделларини ишлаб чиқиш ва тайёрлаш зарурати шу марказни ташкил этишни тақозо қилди.

Ўтган йили пахта териш ва тўқилган пахтани йиғиштириб олиш учун мўлжалланган машиналар ҳамда қўрилмаларнинг 22 та конструкцияси идораларо синовлардан ўтказилди. Си-

нов натижалари юзасидан техника самардорлигига баҳо берилди, бир ўтишда асосий бункерга 90,6 процент чамаси миқдорда пахта териш имкониятлари кўрсатилди. Айрим ихтирочилар ва олимларнинг ўз машиналари конструкцияларига оид тақлифларига 200 жавоб қўриб чиқилди ва жўнатилди.

Маълиси қатнашчиларининг этибори идораларо илмий-координация маркази фаолиятидаги жиддий намуналарга қаратилди. Марказ илмий, лоийха-конструкторлик ва тажриба-экспериментал кучларни энг муҳим вазифа — принципларни янги пахта териш машинасини яратиш вазифасига жамлашга муваффақ бўла олмади. Кенг қўламадаги тадқиқотлар шу пайтга ҳам авж олдирилмаган, келажак техникасини яратиш босқичида илмий-техникавий асослар ҳам. Машиналарнинг пухталиги ва чидамлигини ошириш соҳасидаги ишлар сўз олиб борилмоқда. Марказнинг мустақам ишлаб

чиқариш базаси йўқ.

Яна шу нарса ташвиш уйғотмоқдаки, марказнинг иш гуза селекцияси, уруғчилиги, химиявий ишлов бериш, экономика проблема-лари билан шугулланмаган, илмий-тадқиқот институтларининг фаолиятидан акралган ҳолда олиб борилмоқда. Ана шу проблемалар пахтани машинада теришга бевоқифа дахлдордир.

Маълисида марказ проблемаларининг бутун комплексини мустақил ҳал этиш ола-маслиги таъкидлаб ўтилди. Унга моддий маблағларни оператив равишда ажратиб беришда, шунингдек янги ик-кин ва тўрт қаторли агрегат-ларни синаб қўриш учун зар-рур техникани беришда рес-публика Давлат агроасоат комитетининг амалий ёр-дама зарур.

Идораларо илмий-координация марказига кирувчи илмий-тадқиқот ташкилотла-ри ўз ишлари пахта териш техникасининг илгари ёриш-либ даражасини мўлжал қи-либ олаётганликлари, эски

йўлдан бораётганликлари уларнинг жиддий хатоси, деб топилиди. Янги техникани яратиш учун мустақам ба-зани кўзга келтириш «Главнонаучно-производств» га топширилди.

Шу босқичдан етилган проблемаларни тезроқ ҳал этиш учун фан-техника тараққи-ятига кўмаклашувчи респу-блика кенгаши идораларо илмий-координация марказига шу беш йилликда жаҳон тех-ника даражаси талабларига мос келадиган пахта териш техникасини яратиш соҳаси-да фундаментал, илмий-ам-алий ва тажриба-конструктор-лик ишлари ўтказишни ўзин-нинг энг муҳим вазифаси-деб ҳисоблашни қатъий таъ-сия этиди. Ташкилотлар ва айрим авторлар синида тақ-дим этилган янги пахта териш машиналари миқдори-ни ҳар йили кўбайтириб б-риш, янги техниканинг энг мақбул параметрларини аниқлашга олимларнинг кен-роқ жалб этиш мақсадга му-вофиқ деб топилиди. Илгари ишлаб чиқилган

программага мувофиқ гуза-ларнинг пастки қисмидан сифатли пахта тера ола-дан тўрт қаторли машинала-ри яратиш ва уларни қўлаб ишлаб чиқаришга жорий этиш зарур. Ўзбекистон ССР Давлат агроасоат ко-митети 1987—1990 йиллар-да терим техникасининг ян-ги авлодини ишлаб чиқариш шартларида кенг қўлама синовдан ўтказишни лозим. Бунинг учун ишлаб чиқ-аришнинг ҳар бир босқичида пахтанинг, пахта толаси, калава, газламаннинг техно-логия сифатларига баҳс бериб бориш керак.

Фан-техника тараққи-ятига кўмаклашувчи респу-блика кенгашининг мажлиси-да иккиламчи энергия ресур-ларидан фойдаланиш ва рес-урсларни тежайдиган тех-нологиялар бўйича инженер-лик марказини ташкил этиш тўғрисидаги масала ҳам қўриб чиқилди. Совутиш ва иссиқлик насос цикллари-ни бажарувчи иссиқлик комп-рессор трансформаторлари-нинг самарали схемалари ҳамда конструкцияларини ҳалқ ҳужалигининг турли тармоқларида кенг қўлама жорий этиш шу марказнинг вазифасига кириди. Марказ Беруний номидаги Тошкент политехника институти ҳу-зурида иш олиб боради.

Кенгаш мажлисида Ўзе-бекистон Компартияси Мар-казий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликна на-дидатлари иштирок этдилар. (ЎТАГ).

БАЙРОҚЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўн иккинчи беш йиллик-нинг биринчи йил социалис-тик мусобақаси якуналарига кўра Ўзбекистон районидаги «Октябрь 50 йиллиги» сов-хоз и коллективни КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Ко-митетининг кўма Қизил байроғи билан мукофотлан-ди. Бу ерда бўлиб ўтган та-нана йиғилишида Ўзбекис-тон Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. А. Антонов коллективга юксак мукофотни топширди.

Социалистик мусобақада эришган галабаси учун Ленин ордени «Газлинефтегазо-бича» ишлаб чиқариш бир-лашмасининг коллективи ҳам КПСС Марказий Коми-тети, СССР Министрлар Со-вети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кў-ма Қизил байроғи билан му-кофотланди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Ко-митетининг секретари А. С. Икромов тантанали вазиятда шу мукофотни меҳнат кол-лективига топширди. (ЎТАГ).

РЕКЛАМА * ЭЪДОНЛАР

РЕСПУБЛИКА КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ИДОРАСИ
АПРЕЛЬ ОИДА
РЕСПУБЛИКА КИНОТЕАТРАЛРИ ЭКРАНЛАРИГА
ЯНГИ БАДИИЯ ФИЛЬМЛАРНИ ЧИҚАРАДИ



«ДЕЛЬФИН НОЛАСИ»

Сценарий автори — Николай ЧЕРКАШИН.
Режиссёр — Алексей САЛТИКОВ.
Ролларда: Ивар КАЛНИНЬШ, Донатас БАНИОНИС, Александр РЯБОВ ва бошқалар.
Қаҳонлардир содир бўлган оламбўмул' ҳалокатлар афсоналарга айланган. Бугун ядро воқелиги ана шу аф-соналарга чек қўйди. Фильм ана шу мавзунинг инсон ма-иш-ий турмушининг ахлоқий ва инсонпарварлик масала-лари билан боғлиқ ҳолда ҳикоя қилади.
«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ

«ИНТЕРВЕНЦИЯ»

Сценарий автори — Лев СЛАВИН.
Режиссёр — Евгений ПОЛОКА.
Қўшиқлар тексти муаллифи — Владимир ВИСОЦКИЙ.
Ролларда: Владимир ВИСОЦКИЙ, Юлия БУРИГИНА, Гелена ИВЛИЕВА ва бошқалар.
Фильм воқеаси 1919 йили француз қўшинлари босиб олган Одессада рўй беради. Фильмда саҳоват ва наби-лик, ҳақиқат ва уйдирма, ҳаёт ва ўлим ҳақида сўз бо-ради.
«ЛЕНФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

«ҚАЙГУЛИ БЕХУШЛИК»

Бернард ШОУнинг «ЮРАКЛАР ЎРТАНГАН УИ-песаси асосида.
Сценарий автори — Юрий РАБОВ.
Режиссёр — Александр СОКУРОВ.
Ролларда — Рамаз ЧИХИДЗЕ, Алла ОСИПЕНКО, Татьяна ЕГОРОВА ва бошқалар.
Бу кинолентада фалокат юз бериши мумкин бўлган дамларда кишиларда рўй берган руҳий кечинмалар ҳа-қида ҳикоя қилинади.
«ЛЕНФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги
ТОШКЕНТ
ФАРМАЦЕВТИКА
ИНСТИТУТИ

15 ва 16 май кунлари
соат 15.00 дан бошлаб
институтга киришни
хоҳловчи абитуриентлар
учун
ОЧИҚ ЭШИКЛАР
КУНИНИ
ЎТКАЗАДИ

Институт адреси: Тошкент
шаҳри, Космонавтлар про-
спекти, 45-уй (метронинг «Ой-
бек» станцияси).

Ўзбекистон ССР Соғлиқни
сақлаш министрлигининг
ЭЛЕКТРОТЕХНИКА
МЕДИЦИНА
ТЕХНИКУМИ

16 ва 30 май кунлари
соат 10 дан 14.00 гача
ТЕХНИКУМГА КИРИШНИ
ХОҲЛОВЧИ АБИТУРИЕНТ-
ЛАР УЧУН

ОЧИҚ ЭШИКЛАР
КУНИНИ ЎТКАЗАДИ

Муножаат учун адрес:
700107, Тошкент шаҳри, Чи-
нозор райони, Нурхон кўча-
си, 16-уй (34, 50, 54, 70, 80-
автобуслар, 7, 16-троллей-
бусларнинг «1-киликни кал-
дона» бекати). Телефонлар:
77-55-35, 77-45-16.

Театр

ХАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК
ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА
ТЕАТРИДА — 17/IV да Ўғрини
қароқчи урди, 18/IV да Келин-
лар қўзғолди, 19/IV да Кўёв
(12.00), Кўёв (19.30).
МУНИЦИПАЛЬ НОМИДАГИ ЎЗ-
БЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТ-
РИДА — 17/IV да Нурхон, 18/IV
да Хотинининг эри, 19/IV да
Малина ва маскаробоз (15.00),
Узилган торлар (19.30).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ-
ДА — «Иртиқлар орасида»
аттракционнинг гастроллари
(19.30).

Кадрлар ўқуви

Тошкент Олий партия мактаби партия, совет ва идеология кадрлари малака-сини ошириш факультетида тингловчиларнинг навбатдаги машғулотлари тугади. Улар орасида Ўзбекистон, Тожи-кистон ва Туркменистон ша-ҳар ва шаҳар районлари пар-тия комитетларининг идеоло-гия иши масалалари билан шугулланувчи секретарлари бор эди.

Тингловчиларга коммуни-стик қурилиш марксизм-ленин-из назарияси ва практикаси-нинг, мамлакатни социали-стик қурилишнинг илмий-те-хникавий асослари, партия ташкилотининг стратегияси-нинг асосий масалалари юза-сидан бир қанча лекциялар ўқилди. Программага партия XXVII съезди ҳамда КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленуми қайта қуриш жараёнини идеология жиҳатидан таъминлаш, со-циалистик демократияни ке-нгайтириш ва чуқурлаштириш, ниссон омилини активлашти-ришга тааллуқли тўб пробле-маларни амалга оширишга катта ўрин берилди. Партия комитетлари фаолияти фор-ма ва методларини такомил-лаштиришга, идеология иши-ни кучайтиришга катта эъти-бор берилди. Партия ўқувини ва иқтисодий таълим систе-масини қайта қуриш, улар-нинг турмуш билан алоқала-рини мустақамлаш йўллари ҳам қўриб чиқилди. Илм-фанни, олий ва ўрта махсус таълимни ривожлантиришга, мактаб ислоҳотини амалга оширишга, маданий қури-лишга партия раҳбарлиги ма-салалари муҳокама қилинди. Партия органларининг со-ғлиқни сақлаш муассасалари ишини тубдан яхшилаш бора-сидида вазифалари чуқур ўр-ғаниб чиқилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Фан ва ўқув юртлари бўлимининг

мудир Н. Тўхлиев, Ахборот ва чет эл алоқалари бўлими-нинг мудир Э. Қ. Ҳайитбо-ев, республика Компартияси Марказий Комитети лектор-лар гуруҳининг раҳбари В. М. Кипов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Ко-митети Маданият бўлими мудирининг ўринбосари В. А. Тарбеев, Тошкент область партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг му-дир К. Р. Расулов, Ўзбекис-тон ЛКММ Марказий Коми-тетининг биринчи секретари А. Носиров, Ўзбекистон ССР маориф министри О. С. Аббосова, республика олий ва ўрта махсус таълим ми-нистри М. Салоҳитдинов, Ўз-бекистон ССР соғлиқни сақ-лаш министрлигининг биринчи ўринбосари Д. А. Асодов, Ўзбекистон ССР Наҳрий, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети ра-исининг биринчи ўринбосари Р. А. Сафаров, республика ҳунар-техника таълими дав-лат комитети раисининг би-ринчи ўринбосари Р. Ҳ. Жу-раев, Ўзбекистон ССР Физ-культура ва спорт давлат ко-митети раисининг биринчи ўринбосари А. Р. Антонов, «Фан ва дин» журналининг редактори В. Ф. Правоторов, республика газеталари — «Правда Востока» газетаси-нинг редактори Г. Г. Некле-са, «Совет Ўзбекистони» га-зетасининг редактори Л. П. Қайюмов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузури-даги маслаҳатчи Н. А. Му-хитдинов тингловчилар ҳузу-рида нутқ сўзладилар.

Ўзбекистон ССР прокуро-рининг ўринбосари О. И. Гайданов ўз нутқида ҳуқуқ-ни муҳофаза қилиш органла-рининг «Социалистик қонун-чилик ва ҳуқуқ тартиботи» янада мустақамлаш, граж-данларнинг ҳуқуқлари ва қо-нуний манфаатларини муҳо-фаза қилишни кучайтириш

тўғрисида» КПСС Марказий Комитети қабул қилган қар-орини бажариш юзасидан олиб бораётган иш тўғриси-да гапириб берди.

Атеистик пропагандани кучайтириш, янги совет урф-одатларини жорий этиш, идеология иши барча соҳа-ларини такомиллаштиришда оммавий ахборот ва пропа-ганда воситалари ролини ошириш масалалари юза-сидан давра суҳбатлари бўлиб ўтди.

Тингловчилар маҳаллий партия органларининг иде-ология кадрлари билан иш-лаш, эътиқодли ва ташаббус-кор меҳнаткашлар тарбиялаб етиштиришнинг янада таъ-сири, янги формаларини жорий этиш борасидаги фа-лолияти билан танишдилар. Тошкент шаҳар партия ко-митетининг секретари А. В. Гончарова, Тожикистон Ко-мпартияси Ленинобод область комитетининг секретари Б. Р. Раҳимов, Чирчиқ шаҳар пар-тия комитетининг секретари Н. К. Савченко нутқларида мана шу мавзулар очиб бе-рилди.

Тингловчилар Тошкент ша-ҳар Фрунзе район партия ко-митети ва Чирчиқ шаҳар партия комитетида идеология ишини қайта қуриш прак-тикаси билан, Тошкент область партия комитети сиёсий мао-риф уйда партия ўқуви ва иқтисодий таълим системаси ташкил этилиши билан та-нишдилар. Орттирилган иш тажрибалари кенг баҳам қу-рилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг сек-ретари М. Ҳ. Холмухамедов ўз нутқини мамлакат социали-стик қурилиш тараққиётини жа-даллаштириш программасини амалга ошириш шартларида идеология кадрларининг вазифаларига бағишлади. (ЎТАГ).

тон хореография санъатини ривожлантиришдаги ҳиз-матлари учун М. Қориевнинг номи Ўзбекистон давлат концерт-филармонияси бир-лашмаси «Шодлик» ашула ва рақс ансамблининг балет артисти ўртоқ Нарзиддин Шерматовга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони берди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўзбекис-

тутининг бўлим мудир Ур-тоқ Василлий Владимирович Шалимовга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ ҳўжалик ходими» фахрий унвони берди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўзбекис-

тутининг бўлим мудир Ур-тоқ Василлий Владимирович Шалимовга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ ҳўжалик ходими» фахрий унвони берди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўзбекис-

тутининг бўлим мудир Ур-тоқ Василлий Владимирович Шалимовга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ ҳўжалик ходими» фахрий унвони берди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўзбекис-

тутининг бўлим мудир Ур-тоқ Василлий Владимирович Шалимовга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ ҳўжалик ходими» фахрий унвони берди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўзбекис-



ЧИГИТ ЭКИШ ИЛҒОРЛАРИ



Баҳор серёғин келди. Да-да ишлари суръати ва си-фатига у бир қадар ҳалал бермоқда. Лекин миришкор деҳқонлар ва тажрибали ме-ханизаторлар ҳаво очиқ кунларнинг ҳар бир дамидан унумли фойдаланиб, юбилей йили пахта ҳосили уруғини барвақт экиб олишга ҳара-кат қилмоқдалар. Наманган районидagi «Партия XXII съезди» колхоз деҳқонлари мусобақада пешқадам. Улар бу йил мавжуд гектарлар-нинг ҳаммасига чигитни аниқ пушталашга экишга сўз бе-ришган.

Райондаги «Ленинград», Охунбобоев номи, Свердлов номи, Держинский номи колхозларда ҳам экин-тикин ишлари жадал бормоқда. Юбилей йилида Ватанга 43

минг тонна «оқ олтин» ет-казиб беришга сўз берган наманганликлар маккажў-хори экин ишларини қисқа муддатда тугаллаб, чигит экинчи ҳам қизгин бошлаб юбордилар. Ҳозир районда-ги 11 минг 315 гектар пахта майдонининг ҳаммасида уруғ пушталашга экилмоқда. Далаларда юздан ортиқ экинчи экипажлари баранали меҳ-нат қилмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Ҳўжа-ликнинг илғор бригадаси бошлиғи Абдураҳмон Жу-раев ва мусобақа пешқадами, селлажи Сайдулла Файзуллаев иш устида. 2. Районда-ги «Партия XXII съезди» колхоз деҳқонлари чигит экинчи пайти.

В. МОЛГАЧЕВ ва Т. ХАМРОҚУЛОВ фотолари.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

«Юлдузча» нашриёти қу-нидаги китобларини чоп этди:

Павел Шуф. Махсус пар-воз. Ҳикоялар. 112 бет. Баҳоси 25 тийин (рус тили-да).

Бу тўпламга киритилган ҳикоялар Улуг' Октябрьнинг 70 йиллигига бағишланган бўлиб, ундан М. И. Калининнинг Ўзбекистонда бўлиш тўғрисидаги ҳикоя ҳам ўрин олган.

Зоя Туманова, Маҳалла-лих наҳрамони. Шеърлар. 72 бет. Баҳоси 15 тийин (рус тилида).

Тўпламга тинчлик ва меҳ-натни таранум этувчи шеър-лар киритилган.

Анвар Обиджон. Жуда қизиқ воқеа. Шеърлар ва эр-таклар. 224 бет. Баҳоси 60 тийин (узбек тилида).

Тўпламдаги шеърларда болалар дунёси, она табият нафосати, турли буюм ва жонотларнинг сирли олами қизиқтарли ҳикоя қилинган.

Сergeй Брынских. Пионер-лар барабани. Шеърлар, эр-таклар ва топишмоқлар. 48 бет. Баҳоси 20 тийин (рус тилида).

Тўпламдаги шеърлар, эр-таклар ва топишмоқларда болалар меҳнати, ишчи кас-би, пионер отрядлари ва эве-нолари ҳаёти ҳақида сўз юритилди.

Спорт

● ФУТБОЛ. СССР олим-пиада терма командаси ўзи-нинг иккинчи урғувини ўт-казиб, галаба қозонди. Фут-болчиларини Иазир шаҳри-да Туркия олимпиада терма командасини 2:0 ҳисобида мағлубиятга уратдилар.

СССР командаси икки ур-ғурашдан сўнг уч очко тў-плаб, Европа қитъаси 4-сара-лаш гуруҳидада пешқадамлик қилмоқда.

● ВОЛЕЙБОЛ. Белгород шаҳрида эриқлар команда-лари ўртасида мамлакат чем-

пионати бўлиб ўтди. Тош-кент динамочилари Мар-казий армия спорт клуби би-лан учрашдилар. Ўйин 3:0 ҳисобида армиячилар фойда-сига тугади.

● ШАХМАТ. Брюсселда ҳалқаро турнир давом этмо-қда. Ҳозирча тўрттадан очко олган Ларсен ва Любевский олдинда боришмоқда. Жа-ҳон чемпиони Каспаров ҳис-обида 3,5 очко бор. У қолди-рилган партияда галабага эришса, яна пешқадам бўла-ди.

Редактор
Л. ҚАЮМОВ.

17 апрель, ж у м а

Радио

Биринчи ПРОГРАММА. 8.30 — Эстрада концерти. 9.30 — Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар. 10.15 — «Булбулча» болалар хори куй-лади. 11.15 — Юность. 12.10 — Меломоратор. 13.00 — Чорва-дор. 13.30 — Ўт ўқирувчилар, Сизлар учун. 14.00 — Кишлоқ ҳўжалик ходимлари учун эшит-

тириш. 15.40 — Болалар учун: Норжон оспанинг ҳикояси. 16.00 — Дўстларимиз овози. 17.00 — ВЛКСМ XX съездида бағишлан-ган пионерлар байрами. 18.15 — М. Раҳимовга куйлайди. 18.30 — Нисон ва қонун. 19.20 — Огонёк. 20.50 — Кишлоқ меҳнаткашларининг талаб-лари бионон концерт. 22.00 — Сунгит ахборот. 22.30 — Бугун радиотеатра. 23.35 — Дам олиш концерти.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 32-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Р. — 08894. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашрийтининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. В. — 88. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12